

1914499892- СОН  
ТЕЛЕКОММУНИКАЦИЯ ХИЗМАТЛАРИ КЎРСАТИЛИШИ ТЎҒРИСИДА  
АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

*Юридик шахслар (шу жумладан, бюджет ташкилотлари) учун*

Термиз ш.

2022 йил " 07" январь

"Ўзбектелеком" акциядорлик компанияси (кейинги ўринларда – Компания) номидан 2021 йил "05" январдаги 27-01-14/30-сон ишончнома асосида фаолият юритувчи Компаниянинг Сурхондарё филиали директори Ш.Норкўчқоров (кейинги ўринларда – Оператор) бир томондан ва **ТЕРМИЗ АБУ АЛИ СИНО НОМИДАГИ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТЕХНИКУМИ** номидан Низом (Низом, рўйхатга олинганлик тўғрисидаги гувоҳнома, ишончнома) асосида фаолият юритувчи бош директор **Я.Файзиев** (кейинги ўринларда – Абонент) иккинчи томондан (кейинги ўринларда биргаликда - Томонлар) телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши бўйича қуйидагилар ҳақида Абонент шартномасини (кейинги ўринларда – Шартнома) туздилар:

**1. Шартнома предмети**

1.1. Абонент ушбу Шартномани имзолаб:

- Операторнинг [WWW.UZTELECOM.UZ](http://WWW.UZTELECOM.UZ) расмий веб-сайтида эълон қилинган Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 367-369-моддаларига мувофиқ "Ўзбектелеком" акциядорлик компаниясининг телекоммуникация хизматларини кўрсатиш тўғрисида абонент шартномасини тузишга расмий оммавий таклифи бўлган Оммавий офертаси (кейинги ўринларда – Оферта) шартлари билан тўлиқ танишиб чиққанлигини тасдиқлаб, ушбу Оферта шартлари асосида Оператор билан телекоммуникация хизматлари кўрсатилиши тўғрисида шартнома тузади;

- Оператор томонидан кўрсатиладиган хизматлар учун Абонент дастлабки аванс тўловини амалга ошириши ва тўлов фактини тасдиқловчи тегишли молиявий ҳужжатни олиши Оператор Офертасининг шартларини сўзсиз қабул қилиши (акцептнинг) ҳисобланади.

1.2. Томонлар Офертанинг 2-моддасида кўрсатилган мақсадларда ушбу Шартномани имзолаганидан сўнг, Оператор Абонентга идентификация рақамини беради. Идентификация рақами берилганидан сўнг, Абонент, Оператор томонидан тақдим этиладиган хизматлар рўйхати доирасида ўз танловидан келиб чиқиб, дастлабки аванс тўловини амалга ошириши мумкин.

1.3. Хизмат кўрсатиш шартлари Офертанинг 3-моддасида белгиланган асосларда ва Абонент томонидан танланган хизмат тури ҳамда ушбу хизматни тақдим этиш учун техник имкониятлар мавжудлигидан келиб чиққан ҳолда белгиланади.

**2. Томонларнинг ҳуқуқ ва мажбуриятлари**

2.1. Оператор ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 4-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.2. Абонент ушбу Шартномани имзолаган вақтдан бошлаб, Офертанинг 5-моддасида белгиланган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади.

2.3. Томонлар ушбу Шартнома амал қилиш даврида, ўз ҳуқуқ ва мажбуриятларига қатъий риоя этилишини таъминлаш юзасидан зарур чораларни амалга оширадилар.

**3. Ҳисоб-китоб ва тўловлар тартиби**

3.1. Мазкур Шартнома бўйича Офертанинг 6-моддасига мувофиқ, хизматлар (мобил алоқа хизмати бундан мустасно) кўрсатилганидан кейин тўловни амалга ошириш (Postpaid) тизими шартлари татбиқ этилади.

3.2. Тарифлар Абонент билан Шартнома тузилганда ва Оператор хизматларидан фойдаланиш жарағида Абонент билан ҳисоб-китобларни амалга ошириш учун мажбурийдир. Хизматлар учун барча тарифлар миллий валютала кўрсатилади ва ушбу Шартнома тузилган вақтда белгиланган барча солиқлар ва йиғимларни ўз ичига олади.

3.3. Хизматлардан фойдаланиш учун Абонент тўлови биринчи ойда ушбу Шартнома тузилган санадан бошлаб **3 (уч) банк куни** мобайнида амалга оширилади.

3.3.1. Илк бор уланишда Абонент тўлови **100 ( бир юз) фойз** миқдоридан олдиндан тўланади, дастлабки аванс тўлови олдиндан тўлов бўйича талабнома (ҳисоб) асосида ҳамда ушбу Шартноманинг тегишли иловасида (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) кўрсатилган миқдорга мувофиқ ҳар бир танланган хизмат тури учун алоҳида амалга оширилиши мумкин.

3.4. **Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун** Шартноманинг умумий суммаси ушбу Шартноманинг тегишли иловасига (Абонент томонидан танланган хизмат тури бўйича) мувофиқ кўрсатилган хизматлар ҳажми билан белгиланади.

Жами олдиндан тўлов миқдори **2 340 000.00 (икки миллион ўч юз қирқ минг) сўм**, шу жумладан, **ҚҚС 15 %** миқдоридан.

Шартноманинг умумий миқдори **2 340 000.00 (икки миллион ўч юз қирқ минг) сўм**ни ташкил этади.

Ундан **2 260 000.00 (икки миллион икки юз олмиш минг) сўм** миқдоридан интернет ойлик абонент тўлови ҳамда, **80 000.00 (саксон минг) сўм** миқдоридан интернетга уланганлик учун бир марталик тўлови.

3.4.1. Мазкур Шартноманинг умумий суммаси ошиб кетган тақдирда, ортиқча сумма Томонлар ўртасида имзоланган қўшимча келишув/тақдим этилган ҳисоб-фактура асосида тўланади.

3.5. Абонент ушбу Шартномага асосан ёки берилган ҳисоб-фактура асосида ҳар ойда Оператор томонидан ҳисоб-фактура берилган қушдан бошлаб **3 (уч) банк куни** ичида ушбу Шартномада кўрсатилган Операторнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамига пул маблағларини ўтказиш йўли билан Оператор томонидан кўрсатилган хизматлар ҳақини тўлайди.

3.6. Агар Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамидан хизматлар кўрсатиш учун етарли маблағ бўлмаса ёки мазкур Шартноманинг 3.5-бандида кўрсатилган муддатда ҳар ойлик ҳисоб-фактура бўйича тўлов амалга оширилмаган бўлса, Оператор ушбу Шартнома бўйича хизматлар кўрсатилишини тўхтатиши мумкин.

3.7. Оператор томонидан улашган ва тақдим этилган хизматлардан Абонент томонидан фойдаланилмаслиги, Абонентга ушбу хизматлар учун тўловларни амалга оширмаслигига асос бўла олмайди.

3.7.1. Агар Абонент Оператор хизматларидан фойдаланишни вақтинча тўхтатишни, шунингдек, ҳисобот даври (календарь ойи) учун исдалмаган тўловларнинг олдини олишни истаса, Абонент ҳисобот ойининг 1-қунидан олдин хизматларни ихтиёрый равишда блоқировка қилиш учун ариза топшириши керак. Блоқировка қилиш тартиби Оферта қоидалари билан тартибга солинади.

3.8. Оператордан бонуслар кўришишида реклама акциялари доирасида Абонентга тақдим этилган барча маблағлар фақат Оператор хизматлари учун тўланиши мумкин ва Шартнома бекор қилинганда Абонентга пул шаклида тўланмайди ёки қайтарилмайди.

3.9. Оператор томонидан тақдим этилган хизматлар, Шартномага мувофиқ ҳар бир хизмат тури учун алоҳида расмийлаштириладиган ҳисоб-фактура билан ёпилади. Ҳар бир ҳисоб-фактурада тақдим этилган хизматларнинг тўлиқ календарь ойи учун умумий миқдори кўрсатилади.

3.9.1. Агар Абонент 10 (ун) иш кунн мобайнида Оператор томонидан такдим этилган ҳисоб-фактура бўйича эътирозларини ёзма ёки электрон шаклда такдим этмаса, ушбу хизмат тури бўйича ҳисоб-фактура қабул қилинган ва хизмат тегишли тарзда кўрсатилган деб ҳисобланади. Абонентнинг эътирозлари асосланганлиги тақдирда, Оператор кейинги календар ойида такдим этиладиган хизматлар учун тўлов талабномасида (ҳисобида, ҳисоб-фактурада) тегишли тузатишларни амалга оширади.

3.10. Офертанинг 6.15-кичик бандида белгиланган тартибда, Абонентнинг Шахсий (электрон) ҳисоб рақамининг баланси салбий бўлганда 1 (бир) календарь ойдан ошмаган муддатга Абонентнинг қафолат хати асосида Оператор томонидан Абонентга хизматлардан фойдаланиш имконияти берилиши мумкин.

#### 4. Томонлар жавобгарлиги

4.1. Томонлар Офертанинг 8-моддасига ва ушбу Шартномага мувофиқ белгиланган мажбуриятларни бажармаганлиги учун Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларида ҳамда Офертада назарда тутилган тартибда ва микдорларда жавобгар бўлади (Томонларга нисбатан жавобгарликнинг чекланиш ҳолатлари бушдан мустасно).

#### 5. Низоларни ҳал қилиш тартиби

5.1. Томонларнинг ушбу Шартномани бажариш билан боғлиқ масалалар бўйича барча низолари ва келишмовчиликлари Офертанинг 11-моддаси талаблари асосида Ўзбекистон Республикаси қонунийликка мувофиқ ҳамда низоларни судгача ҳал этиш тартибига риоя қилинган ҳолда ўзаро келишув орқали ҳал қилинади.

5.2. Томонлар ўртасида юзага келган низо ва келишмовчиликларни ўзаро келишув орқали ҳал этишнинг имкони бўлмаган тақдирда, низолар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ Тошкент туманлараро иктисодий судида кўриб чиқилади.

#### 6. Алоҳида шартлар

6.1. Томонлар маъқур Шартноманинг амал қилиш даврида ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятлари билан боғлиқ равишда Ўзбекистон Республикасининг коррупцияга қарши курашишни тартибга солувчи қонун ҳужжатлари нормаларини бузиши мумкин бўлган ҳар қандай чоралар кўрмасликлари ёки ҳатти-ҳаракатларини содир этмасликлари юзасидан мажбуриятларини қатъий эътироз этган ҳолда, ўзаро ҳамкорлик маданиятини юқори даражада таъминлаш ва коррупция ҳолатларига муросасиз курашиш чораларини кўради.

6.2. Маъқур Шартноманинг амал қилиш даврида Томонларнинг иродаси ва фаолиятларига боғлиқ бўлмаган ҳар қандай ҳолатларда ва ҳодисаларда (енгиб бўлмайдиган кучлар/форс-мажор ҳолатлари) Офертанинг 10-моддаси қоидаларига амал қилинади.

6.3. Абонентнинг ёзма/электрон шаклда такдим этилган ариза/эътирознома/шикоят/таклиф кўринишидаги мурожаати кўпи билан 30 (уттиз) кун давомида кўриб чиқилади ва тегишли шаклда жавоб берилади. Бунда мурожаатни кўриб чиқиш учун 15 (ун беш) кундан ортиқ муддат талаб этилса, Абонент (мурожаат муаллифи) Оператор томонидан бу ҳақда мажбурий равишда хабардор қилинади.

#### 7. Яқуний қоидалар

7.1. Ушбу Шартноманинг барча муҳим шартлари Офертага мувофиқ белгиланади. Ушбу Шартномада ёки Офертада назарда тутилмаган ҳолларда Томонлар Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига амал қилади.

7.2. Ушбу Шартнома Томонлар ўртасида имзоланган пайтдан бошлаб, кучга киради ва 2022 йил 31 декабрга қадар амал қилади. Агар, Шартноманинг белгиланган амал қилиш муддати тугаганидан сўнг, Томонлар (бюджет ташкилоти бўлган Абонентга таъбиқ этилмайди) ўз шартларини бажаришни давом эттирса ва Томонларнинг ҳеч бири унинг бекор қилинишини эълон қилмаган бўлса, Шартнома ҳар бир кейинги йилга узайтирилади.

7.2.1. Бюджет ташкилоти бўлган Абонент учун ушбу Шартнома ваколатли давлат органларида рўйхатга олинган кундан бошлаб кучга киради ва 2021 йил 31 декабрга қадар амал қилади.

7.2.2. Абонент томонидан ушбу Шартноманинг имзоланиши - Оферта акцептини (Абонентнинг Оферта шартларини қабул қилганлиги ҳақидаги жавобини) билдиради.

7.3. Ушбу Шартнома, шу жумладан, Операторнинг расмий веб-сайтида эълон қилинган Оферта, илова ва қўшимчалар (агар мавжуд бўлса) Шартнома предмети юзасидан Оператор ва Абонент ўртасида тўлиқ Шартномани ташкил этади.

7.4. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари, уларнинг таъсис ҳужжатлари (мулкдорлари) ўзгарган тақдирда, шу жумладан ташкилий-ҳуқуқий шаклининг ўзгариши ва бошқа ўзгаришлар рўй берган тақдирда Шартнома ўз кучида қолади. Томонлар бундай ўзгаришлар амалга оширилган кундан бошлаб, 10 (ун) календарь кун ичида бир-бирларини хабардор қилишлари шарт.

7.5. Ушбу Шартномага ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилганда (агар улар ёзма равишда расмийлаштирилган бўлса) ва ушбу ҳаракатлар Томонларнинг ваколатли шахслари томонидан имзоланган ҳамда Томонларнинг муҳрлари (мавжуд бўлган тақдирда) билан тасдиқланган бўлса, ҳақиқий ҳисобланади.

7.6. Ушбу Шартнома давлат тилида, 2 (икки) нусхала расмийлаштирилган бўлиб, бир хил юридик кучга эга ва ҳар бир Томон учун битта нусхадан берилади.

#### 8. Томонларнинг манзиллари ва банк реквизитлари:

<p style="text-align: center;"><b>ОПЕРАТОР:</b> “Ўзбектелеком” АК Сурхондарё филиали</p> <p>Манзил: Сурхондарё вилояти Термиз ш., Ат-Термизий 28- уй Банк маълумотлари: х/р: 20210000704074838379 СТИР:203366731 МФО:00401 АТБ “Алоқабанк” Тел: 1155 E-mail: _____</p>	<p style="text-align: center;"><b>АБОНЕНТ:</b> ТЕРМИЗ АБУ АЛИ СИНО НОМИДАГИ ЖАМОАТ САЛОМАТЛИГИ ТЕХНИКУМИ</p> <p>Манзил: Ўзбекистон Республикаси, Сурхондарё вилояти, Термиз шаҳри, Коший (Циалковский) кўчаси, уй. 6 Банк маълумотлари: х/р: 400910860224017092902054001 СТИР:200474007 МФО:00014 Банк номи:Г.ТАШКЕНТ,РКЦ ГЛ.ГОР.УПРАВЛЕНИЯ ЦБ ИНН:201122919 Тел: 990580089 E-mail: akmalsaydullaevich@gmail.com</p>
<p>Оператор номидан:</p>  <p style="text-align: center;">Ш. Норқочқоров</p> <p>/имзо/ М.ў.</p>	<p>Абонент номидан:</p>  <p style="text-align: center;">Ж.Файзиев</p> <p>/имзо/ М.ў.</p>

2-бет. -сон АБОНЕНТ ШАРТНОМАСИ

Юриет: Рашид Т. Рудойев

**Кўрсатиладиган хизматлар**

**1. Хизматлар рўйхати ва хизматлар учун тарифлар**

Ўлчов бирлиги - Миллий валюта (сўм)

T/p	Хизматлар номи	ҚҚС билан нархи (миқдори)	Асос	Миқдори	Ойлик миқдори	15% ҚҚС билан Тўлов миқдори, (сўмда)
1	2	3	4	5	6	7
<b>I. Бир марталик тўловлар</b>						
1.1	Интернетга уланганлик учун бир марталик тўлов	80 000.00	Нархнома	1	1	80 000.00
<b>II. Хар ойлик абонент тўловлари</b>						
2.1	Абонент тўлови Business Unlim 100 тариф режаси бўйича 100 Мбит/с тезлигида.	1 990 000.00	Нархнома	1	1	1 990 000.00
	Абонент тўлови Corporate 2 тариф режаси бўйича 10 Мбит/с тезлигида.	270 000.00	Нархнома	1	1	270 000.00
<b>Жами (олдиндан тўлов)</b>						<b>2 340 000.00</b>

Жами олдиндан тўлов миқдори 2 340 000.00 (икки миллион ўч юз қирқ минг) сўм, шу жумладан, ҚҚС 15 % миқдорида.

Шартноманинг умумий миқдори 2 340 000.00 (икки миллион ўч юз қирқ минг) сўмини ташкил этади.

Ундан 2 260 000.00 (икки миллион икки юз олмиш минг) сўм миқдорида интернет ойлик абонент тўлови ҳамда, 80 000.00 (саксон минг) сўм миқдорида интернетга уланганлик учун бир марталик тўлови.

**ОПЕРАТОР:**  
"Ўзбектелеком" АК  
Сурхондарё филиали

**АБОНЕНТ:**  
ТЕРМИЗ АБУ АЛИ СИНО НОМИДАГИ ЖАМОАТ  
САЛОМАТЛИГИ ТЕХНИКУМИ

Оператор номидан:

Директор  Ш.Норқўчқоров  
/ИМЗО/  
М.Ў.



Абонент номидан:  
Бош директор  Я.Файзиев  
/ИМЗО/  
М.Ў.